“ТАНҚИҲ АЛ-УСУЛ” АСАРИ ВА УНИНГ ШАРҲИДА МУАЛЛИФ МАҲОРАТИ

АВТОРСКОЕ МАСТЕРСТВО В РАБОТЕ «ТАНКИХ АЛ-УСУЛ» И В КОММЕНТАРИЯХ К НЕЙ

ON THE WORK OF “TANQIH AL-USUL” AND ITS COMMENTARY AUTHOR’S SKILL

Nematullo NASRULLAEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Doctor of Historical Sciences
Department History and Source Studies of Islam-IRCICA
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
n.nasrullaev@iiau.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2024/1/2

Аннотация: *Ушбу мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа қаламига оид “Танқиҳ ал-усул” ва унинг шарҳи “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавамиз ат-Танқиҳ” ҳақида сўз боради. Бу асарлар ислом дунёсида машҳур бўлиб, фиқҳ усули бўйича ишончли матн ҳисобланади. Садр аш-шариъа мазҳаб қарашлари марказида ҳанафийлар уч имоми – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний ғоялари ётади. Асар ҳанафий ва шофеъий мазҳабига хос муштараклик билан баён этилган.*

Садр аш-шариъа манба сифатида Фахрул ислом Баздавийнинг “Усул”, Фахруддин Розийнинг “ал-Маҳсул”, Ибнул Ҳожибнинг “Усули Ибнул Ҳожиб” асарларидан фойдаланган.

“Танқиҳ” ва унинг шарҳи “Тавзиҳ” усул, мантиқ ва тил қоидаларига мувофиқ тартибланган. Унда айрим тасаввуф ва фалсафий масалалар ҳам зикр этилган. Бу икки матн Имом Аъзам ва унинг мазҳабини мудофаа этишга қаратилган. Садр аш-шариъа шофеъий олими Фахруддин Розийни чиройли услуб билан танқид қилади. Ибнул Ҳожиб ҳақида сўз юритишда унга мўътадил ёндашади. Умуман бировга қарши фикр билдиришда унга самимий тилаклар изҳор этиб, рақибининг хатосига узур қидирган ҳолда нозик иборалар билан мунозаларга интилади. Садр аш-шариъа усул таркибларидан бўлган фиқҳни таърифлар экан, Абу Ҳанифанинг таърифини афзал кўрган. Уни бошқа илмлардан ҳоли этиш учун “амал хусусида” иборасини қийл ўлароқ зикр этган.

Бир илмнинг бирдан ортиқ мавзуси бўлиши мумкинми? Баҳс-мунозарасига Садр аш-шариъа ҳам киришган. Мовароуннаҳр машойихларига кўра, усули фиқҳ фақат фиқҳ билан боғланган илмдир. Калом, мантиқ ва фалсафа билан ҳеч алоқаси йўқ. Бу мавзуда ўлка машойихларидан фарқли фикрлаган Садр аш-шариъа, мутлақ эмас, балки нисбий бир илмнинг бирдан ортиқ мавзуда бўлишини инкор этмайди. Садр аш-шариъа бу мавзуда Абу Ҳомид Ғаззолийдан таъсирланган.

Садр аш-шариъа, ҳукмни шаръий ва ғайри шаръий икки турга бўлади. Унга кўра, “Ҳукм ақлга эмас ҳукм қилувчига муҳтож, ҳоким эса Аллоҳдир”. Рухсат – масаласини: айни ҳақиқий, ҳақиқий, мажозий ва айни мажозий деб тўртга тақсим этиб, уни кенг ёритиб беради. Муаллиф матн ва унинг шарҳида яна бир қатор масалаларга кириб боради.

Демак, “Танқиҳ ал-усул” ва унинг шари ҳанафий мазҳаби асосида аралаш методга кўра ёзилган. Садр аш-шариъа асар таснифида Баздавий, Розий ва Ибнул Ҳожибларнинг усул китобларига таянган. Муаллиф томонидан бу матнлардаги ўхшашлик ва фарқлилик, янгилик ва такрорлар муқояса йўли билан таҳлил этилган. Ўз ўрнида мазкур матнларга қатор шарҳ, ҳошия, таржима ва таълиқалар битилган. Матн ва унинг шарҳи узоқ йиллар мадрасаларда ўқитилиб келинмоқда.

Калит сўзлар: *Садр аш-шариъа, “Танқиҳ ал-усул”, “Тавзиҳ”, усули фиқҳ, матн, шарҳ, ҳошия, таълиқа, таржима, луғавий-истилоҳий.*

Аннотация: *В данной статье говорится о книге «Танких ал-усул» и комментарии к ней в книге «Ат-Таузих фи халли гавамиз ат-Таких» Убайдуллы ибн Масуда Садра аш-Шариъа. Эти произведения популярны в исламском мире и считаются достоверными текстами по методу фикха. В центре взглядов секты Садр аш-Шариъа лежат идеи трёх ханафитских имамов – Абу Ханифы, Абу Йусуфа и Мухаммада Шайбани. Работы описаны с учетом общности ханафитской и шафиитской сект.*

В качестве источников Садр аш-Шариъа использовал «Усул» Фахруллы Ислама Баздави, «Ал-Махсул» Фахруддина Рази, «Усули Ибнул Хаджиб» Ибнул Хаджиба.

Книга «Танких» и комментарий к нему «Таузих» построены в соответствии с правилами метода, логики и языка. Затрагиваются в нем и некоторые мистические и философские вопросы. Эти два текста направлены на защиту Имама Азама и его секты. Садр аш-Шариъа красиво критикует шафиитского ученого Фахруддина Рази. Говоря об Ибнул Хаджибе, он умерен. Вообще, высказывая оппозиционное мнение о ком-либо, стремится спорить тактичными выражениями, высказывая ему искренние пожелания, извиняясь за отмеченную ошибку оппонента. Определяя фикх на основе шариата аль-Усул, он предпочитал определение Абу Ханифы. Чтобы дифференцировать его от других наук, он упомянул слово «практически».

Может ли наука иметь более одной темы? Садр аш-Шариъа также вступил в дискуссию. По мнению машаихов Мовароуннахра, усули фикх – это всего лишь наука, связанная с фиккхом. Это слово не имеет ничего общего с логикой и философией. Садр аш-Шариъа, у которого было другое мнение по этому вопросу, в отличие от ученых страны, не отрицает, что относительная, а не абсолютная наука, может быть обнаружена более чем в одном предмете. В этом отношении Садр аш-

Шариъа находился под влиянием Абу Хамида ал-Газали.

По мнению Садр аш-Шариъа, суждение делится на два типа: шариатское и нешариатское. По его словам: «Для суждения нужен судья, а не разум, а правителем является Бог». Он делит проблему разрешения на четыре вида: истинно реальное, реальное, истинно метафорическое и метафорическое. В тексте и комментариях к нему автор затрагивает ряд других вопросов.

Таким образом, книга «Танких ал-усул» и комментарии к ней написаны по смешанному методу, основанному на ханафитском мазхабе. При классификации произведений Садр аш-Шариъа опирался на методические сборники Паздави, Рази и Ибнул Хаджиба. Сходства и различия, новшества и повторы в этих текстах анализировались автором методом сравнения. Вместе с тем, к этим текстам написан ряд комментариев, заметок, переводов и пояснений. Текст и комментарии к нему уже много лет преподаются в медресе.

Ключевые слова: *Садр аш-Шариъа, "Танких ал-усул", "Тавзих", метод фикха, текст, комментарий, субкомментарий, талика, перевод, лексико-терминологический.*

Abstract: *This article talks about "Tanqih al-usul" and the commentary to it "At-Tauzih fi halli gawamiz at-Taqih" by Ubaydullah ibn Masood Sadr al-Sharia. These works are popular in the Islamic world and are considered authentic texts according to the method of fiqh. The views of the Sadr al-Sharia madhhab are centered on the ideas of three Hanafi imams - Abu Hanifa, Abu Yusuf and Muhammad Shaybani. The work is described taking into account the commonality of the Hanafi and Shafi'i madhh madhhabs.*

As a source, Sadr al-Sharia used "Usul" by Fakhrul Islam Bazdawi, "Al-Mahsul" by Fakhruddin Razi, "Usuli Ibnul Hajib" by Ibnul Hajib.

"Tanqih" and its commentary "Tauzih" are constructed in accordance with the rules of method, logic and language. It also touches on some mystical and philosophical issues. These two texts are aimed at protecting Imam Azam and his madhhab. Sadr al-Sharia beautifully criticizes the Shafi'i scholar Fakhruddin Razi. When talking about Ibnul Hajib, he is moderate. In general, when expressing an opinion against someone, he strives to argue in subtle terms, expressing sincere wishes to him, apologizing for his opponent's mistake. While defining fiqh based on the Sharia of al-Usul, he preferred the definition of Abu Hanifa. To free it from other sciences, he mentioned the expression "in the case of action".

Can science have more than one topic? Sadr al-Sharia also entered the discussion. According to the scholars of Movarunnahr, usuli fiqh is just a science related to fiqh. This word has nothing to do with logic and philosophy. Sadr al-Shari'a, who has a different opinion on this subject than the local scholars, does not deny that one science, not absolute, but relative, can be in more than one subject. In this regard, Sadr al-Sharia was influenced by Abu Hamid al-Ghazali.

Sadr al-Sharia divided judgment into two types: Sharia and non-Sharia. According to him, "Judgment needs a judge, not the mind, and Allah is the ruler." He divides the problem of resolution into four: truly real, real, metaphorical and truly metaphorical. In the text and comments to it, the author touches on a number of other issues.

Thus, "Tanqih al-Usul" and its commentary was written using a mixed method based on the Hanafi madhhab. When classifying works, Sadr al-Sharia relied on the usul books of Bazdawi, Razi and Ibnul Hajib. The similarities and differences, innovations and repetitions in these texts were analyzed by the author using the method of comparison. Series of commentaries, margins (hashiya), translations and explanations are written on these texts. The text and its commentaries have been taught in madrassas for many years.

Keywords: *Sadr al-Sharia, "Tanqih al-usul", "Tavzih", usul ul-fiqh, text, commentary, supcommentary, margins (hashiya), translation, lexical-terminological.*

КИРИШ

Мазҳаб ичида бир-биридан фарқли қарашлар орасидан бирини танлашга "таржиҳ" дейилади. Унинг "Ривоят жиҳатидан таржиҳ" ва "Далил жиҳатидан таржиҳ" каби икки тури мавжуд. Улардан бирини ёки ҳар иккисини танлаган мужтаҳидга "асҳабут таржиҳ" дейилади. Бундай амалларни рўёбга чиқариш қобилиятига эга бўлган Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа, усулчилар далилини баҳолай олиш қобилиятига эга фақиҳ бўлган. Шу маънода Садр аш-шариъа, мужтаҳидликнинг бешинчи табақаси яъни таржиҳ аҳли (асҳабут таржиҳ)дан деб эътибор қилинади.

Тўртинчи табақадан бўлган тахриж аҳли билан бешинчи табақа бўлган таржиҳ аҳли орасидаги фарқ жуда оз. Ҳатто, усулчиларнинг баъзиси ҳақли равишда бу икки табақани бир ҳисоблайди. Садр аш-шариъа танловларида Абу Ҳанифа ва икки шогирдининг қарашларига устуворлик бор. Бу унинг ҳанафий мазҳабига мансуб фақиҳ эканига яққол далилдир. Зеро, ҳанафий фақиҳларнинг асарларида Абу Ҳанифа ва шогирдларига оид усулий тушунчалар диққат марказида туради. Классик фиққий тадқиқотларда бир мазҳабга боғлиқ қолиш тушунчаси эътиборга олинса, Садр аш-шариъа ўзидан аввалгилар йўлини давом эттирган.

Масаланинг ушбу жиҳатларига эътибор қаратишимиз Садр аш-шариъанинг кейинги фаолияти билан боғлиқ бўлиб, аксарият муаллифлар унинг илмий фаолиятини тадқиқ этишда фақат ўз соҳалари учун керакли бўлган асарларини тилга оладилар. Албатта, бу ҳолат Садр аш-шариъанинг кўп қиррали олимлардан бири эканига далолатдир. Биз фақиҳнинг "Танқиҳ ал-усул" (Усулни тўғрилаш) ва унинг шарҳи "Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавамиз ат-Танқиҳ" ("Танқиҳ муаммоларини ҳал этишга тушунтириш") ҳақида сўз юритамиз. Усули фиқҳ

китоби бўлган ушбу асарлар мутааххирин уламолар наздида мўътадил бир йўналишда шакллантирилгани сабаб, бу йўналиш қурувчилари томонидан унга бир неча шарҳ ва ҳошиялар ёзилишига сабаб бўлди.

"Тавзиҳ" матни юзасидан ёзилган шарҳларнинг энг машҳури Тафтазонийнинг "Талвиҳ" номли асаридир. "Талвиҳ" асарига ёзилган кўп сонли ҳошиялар Садр аш-шариъа ва Тафтазоний ёзганларини умумлаштириб янгиланган қарашлар орқали ўз ифодасини топган [Kenan Tekin, 2023:18]. "Талвиҳ"га Қози Бурҳониддин, Мулла Ҳусрав, Абдулҳаким ас-Сиялкутий ва Ҳасан Чалабий, Шамсиддин Муҳаммад ал-Фанорий каби олимлар томонидан ҳошия ёзилди.

УСЛУБЛАР

Садр аш-шариъа мазҳаб доираси қарашлари марказида ҳанафийларнинг уч машҳури – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва имом Муҳаммад Шайбонийларнинг ғоялари ётади. Садр аш-шариъа кўпинча ҳар қандай масалага киришишдан аввал мазкур уч имомнинг қарашларини зикр этиб, мужтаҳид сифатида далилларни эътиборга олиш орқали илмий ва фикрий қаноатига кўра ҳаракат қилади. *"Мен айтаман"* деб ўзининг қарашларини айтиб кетишдан асло чекинмайди. Ўзидан аввалги мужтаҳидларнинг усулидаги фикрларини ифодалаб, ҳанафий усулчиларининг аввалдан тасбит этган усул қоидаларига таяниб, изоҳга муҳтож масалаларни очиқлашга ҳаракат қилади. Асарларида Абу Ҳанифанинг қарашларини бирламчи ўринга қўяди, мухолифларига қарши у зотнинг фиқҳий ечимларини қўллаб қувватлайди. Садр аш-шариъа мазҳабни ҳимоя қилар экан, у нафақат ҳанафий мужтаҳидларига тақлид қилади, балки ўрни келганда мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифанинг қарашларига акс бўлган фикрларни ҳам таржиҳ эта оладиган, нақлий ва ақлий далилларга таянган ҳолда ўзининг қарашларини олға сурган мужтаҳиддир. Садр аш-шариъа ҳанафийлардан ташқари келтириб ўтган бошқа олимларнинг қарашларини шофеъий, ашъарий, муътазила ва хавориж деб, улар мансуб жамоатнинг умумий номи билан тилга олади. Шунингдек, "*баъзилар"* ва *"айримлар"* каби мавҳум ифодаларни ҳам қўллайди. Ҳанафий олимларининг қарашларини эса, Абу Ҳанифа, Имом Муҳаммад, Сарахсий ва Баздавий каби олимлар исмлари билан қайд этади.

Ислом ҳуқуқида ижтиҳод ҳаракати пайдо бўлгунича имомлардан сўнг майдонга келганлар бўшлиқларни тўлдириш учун "таҳриж" деган аввалги масалалардан бирмунча фарқли янги бир усулда ижод этдилар [Ҳожи Халифа, 2001:143]. Асҳабут таҳриж авлоди сифатида танилган бу олимлар, мазкур усуллари билан аввалги имомларнинг ижтиҳодларини ҳар бир ҳукмда таянилган усул ва иллатни шакллантирдилар. Кейингилар уни асос сифатида қабул қилиб, тегишли ҳукмлар чиқардилар. Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа "Танқиҳ ал-усул" ва шарҳи учун бирламчи манбаси бўлган Баздавийнинг "ал-Усул" китоби шу мазмундаги асар ҳисобланади. Айни фикр устида ҳаракат қилган "Шофеъий" ёки "каломчилар йўналиши" деб танилганлар ҳам бу услуб бўйича қатор китоблар ёздилар. "Танқиҳ" ва унинг шарҳи "Тавзиҳ"га иккинчи манба бўлган Фахруддин Розийнинг "ал-Маҳсул" асари бу турнинг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Асарнинг учинчи манбаси сифатида Моликий олими Ибнул Ҳожибнинг "Мухтасар" асари туради. Мазкур номлари келтирилган асарлар ва мавзулари таснифи солиштирилганда Садр аш-шариъанинг бошқалардан фарқли усул соҳиби экани намоён бўлади.

Садр аш-шариъа "Танқиҳ" ва "Тавзиҳ"да Шофеъий ва Моликийларни танқид этиши асарини бошидан охиригача Баздавийнинг "Усул" китобини ўзига асос қилиб, Имом Аъзам ва унинг мазҳабини мудофаа қилиши, "Тавзиҳ"ни ҳанафий фиқҳидаги эътиборли манба эканини кўрсатади.

Бу асарга ҳошия ёзган олимларнинг ифода этишига кўра, "Тавзиҳ"нинг мазмунини акс эттирган оригиналлик бир қанча олимларнинг диққатини жалб этган. Шунинг учун матн юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилди. Тартибига кўра, ўрнак бўла оладиган матнга бир қанча олимлар киришди ва китоб таълифини амалга оширишда Садр аш-шариъанинг бу асари усули фиқҳ йўналишида бир даврни очиб берди.

Асар юзасидан тадқиқот олиб борган олимларнинг кўплари, асардаги лафзларга қўшимча ва орттирмалар қилдилар, қанчалари танқид қилдилар, яна бир қанчалари асарни таққиқ этдилар. Юқоридаги таҳлилларнинг барчаси Садр аш-шариъани танқид ёки ҳимоя қилган олимларнинг мазҳаблари эътиборидан унга қарши муносабатларида намоён бўлмоқда. Ашъарий-шофеъий мазҳабидаги олимлар, Садр аш-шариъани танқид қилсалар, матрудий-ҳанафий йўналишида бўлган олимлар эса, Садр аш-шариъани ҳимоя этадилар.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъа (ваф.747) мустақил асарлар тасниф этган олим

бўлиб, замонасининг етук илмлари билимдони эди (Насруллаев Н, 2022:18). Уламо ва фуқаҳонинг наздида асарларининг барчаси мақбул ва мўътабар эканидан, уларга доим мурожаат этилган. Фиқҳ, усул, калом, тилшунослик, адабиёт, фалсафа, мантиқ каби бир неча соҳаларда асарлари мавжуд. Мана шундай асарларидан бири усули фиққа оид, "Танқиҳ ал-усул" китобидир (Mehmet Boynukalin, 2017:241-242).

"Танқиҳ ал-усул"[1] асари "ат-Танқиҳ" номи билан машҳур бўлиб, фиқҳ усули бўйича ёзилган ишончли матн. У ҳанафий ва шофеъий мазҳабларига хос муштараклик билан баён этилган. Муаллиф Баздавий (ваф.482/1089)нинг "Усул" асарига илм аҳлининг доим қизиқаётгани, фақат уни тушунишда қийинчиликларга дуч келаётганини англаб, бу асарни батафсил изоҳлашга киришган ва уни "Танқиҳ ал-усул" деб номлаган (Садр аш-шариъа, 2021:6).

Садр аш-шариъа бу асарнинг таълиф этилиши сабабларини китоб муқаддимасида қуйидагича изоҳлайди: *"Замон*а етукларининг усули фиқҳда Фахрул ислом Баздавийнинг машҳур "Усул" асарини ўрганаётганларини кўрдим. Китоб анча мукаммал бўлишига қарамасдан, услуби оғир ва тушунилиши қийин асар эди. Мен бу китобни осон ва содда тилда баён этишга ҳаракат қилдим. Асарни ёзишда Фахриддин Розийнинг "ал-Маҳсул" ва Ибнул Ҳожибнинг "Усул" китобларидан фойдаландим", дейди (Sadr ash-shari'a, 1971:14).

Абдулқодир Қураший "Танқиҳ" ҳақида: *"Бу асарда Садр аш-шариъа Баздавий ва Ибнул Ҳожибнинг* қарашларини жамлаб, ажойиб тарзда тартиблай олган. У бундай ишга қўл уриб, аввалги ҳанафий усулчиларининг асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Шафеийларга хилоф бўлган масалаларга ишончли далиллар орқали жавоб берган. Ақлий ва нақлий далилларни тасдиқлашда ҳанафий мазҳабига таянган" (Қурайший, 1993:369) деб таъкидлайди.

"Танқиҳ" ва "Тавзиҳ" шориҳи Тафтазоний: *"Муҳаққиқ, мудаққиқ, олам ал-ҳидоя, олим ад-дирая, ақлий ва нақлий мезонни ўргатган, усул ва фуруъ далилларини асослай билган Садр аш-шариъа вал-ислом ҳазратларининг китоби, Тавзиҳ шарҳи билан бирликда Танқиҳ, шубҳасиз бир мавсуъа хулоса ва асардир, тартиби комил ва мукаммалдир, кенг изоҳларни ўз ичига олган бир уммондир, тили осон тенгсиз бир хазинадир...",* дейди (Тафтазоний, 1992:2).

Садр аш-шариъа асарнинг биринчи манбаси бўлган Усул Баздавийни, "Шайх ал-имом" ва "Фахр ал-ислом Баздавий" айтади, деб нақл қилади.

Асарнинг иккинчи манбаси "Ал-Маҳсул" муаллифи Розийни, "ал-имом, Фахруддин Розий" ёки асари номи "Ал-Маҳсул" дейиш билан кифояланади.

Асарнинг учинчи манбаси "Усули Ибнул Ҳожиб"дир. Унинг муаллифини "Жамал ал-араб" ва "Ибнул Ҳожиб" исмлари билан келтиради.

Абу Ҳанифа (ваф.150/767)дан сўз кетганда, унинг қарашларини содда изоҳлар билан тушунтиради. Абу Юсуф (ваф.182/798) ва имом Муҳаммад (ваф.189/805)дан нақл келтирса, исмларини ёки "икки имомга кўра" (عِنْدَهُمَا) иборасини қўллайди.

Имом Шофеъий (ваф.204/820)нинг номини зикр этиб, қарашларини "айрим инсонлар" (بَعْضَ النَّاسِ) деб баҳс юритади.

Ўз фикрларини асосларкан, "мен айтаман" (أَقُولُ), "шуни далил қилиб келтираман" (اسْتَدْلَلْتُ), "мен ушбу қарашни танлайман" (أَرَدْتُ), "шахсий қарашим" (تَفَرَّدْتُ), "менинг қарашимга кўра" (عِنْدِي) каби ифодаларни қўллайди. Мазҳаб қарашларини эса, "бизнинг сўзимиз" (كَلَامَنَا), "бизга кўра" (عِنْدَنَا), "мазҳаббошилар" (أَصْحَابُنَا), "шайхларимиз" (مَشَايِخَنَا), "олимларимиз" (عُلَمَاؤُنَا), "бизлар деймизки" (قُلْنَا), "биз айтамизки" (نَقُولُ), "бизнинг қарашимиз" (قَوْلُنَا) ёки "бизнинг (шу) қарашимиз каби" (كَقَوْلِنَا) деб ифода этади. Қарашлар орасидаги таржиҳини, "устун ҳисоблайман" (اخْتَرْتُ) ва "биз буни қувватлироқ ҳисоблаймиз" (اخْتَرْنَا) иборалари билан зикр этади. Ўзига оид бўлган мустақил қарашларини аввалгиларни эсламай, "менинг ақлимга келган, ёлғиз менинг зикр этганим" каби ва бошқа ифодаларни истифода этади.

Шофеъийларнинг таъриф ва қарашларини ўрганар экан, уларга ҳурмат билан "шофеъийларга кўра" (عِنْدَ الشَّافِعِيِّ) ва баъзан эса, "қийла" (قِيلَ) иборасини ишлатади. Бошқа мазҳаб қарашларини қабул этганда, "буни қабул қиламиз" (سَلَّمْنَا) сўзини қўллайди. "Танқиҳ" матн эканидан, унинг шарҳи бўлган "Тавзиҳ"га мурожаат этишда асар номини келтирса, баъзида "Танқиҳ"ни "ал-матн" (المَتنُ) деб беради.

Садр аш-шариъа усули фиқҳда пешқадам – Даббусий (ваф.430/1038)ни "Абу Зайд" куняси, Сарахсий (ваф.483/1090)ни фақат исми баъзида "Шамсул аимма" унвони билан тилга олади. Абул Ҳасан Ашъарий (ваф.324/936)ни исми билан зикр этади. Муътазилий ва Зоҳирий қарашларига ҳам эътибор қаратган Садр аш-шариъа уларни танқид этади, фикрларига муқобил ҳадис, калом ва луғат илмларидаги бор далилларни ишга солади.

Даббусий, Сарахсий ва Баздавийларга "мутааххирин" иборасини қўллаб, улардан аввалгиларни, "мутақаддимин" дейди. Шамс ал-аимма ал-Ҳалвоий (ваф.452/1060) асос солган Бухоро

[1] ЎзР ФА ШИ. №7842. Котиб: Қурбон Муҳаммадбой Миёнконий. (Кўч.йил: 1244/1829). Араб. Жами 332 бет.

мактабига мансуб Садр аш-шариъа Басра, Куфа ва Ироқ олимларидан бошқа фиқҳий мактабларни ажратиб беради.

Асарда юқоридаги манбалар қаторида бошқа олимларнинг фикрларига ҳам мурожаат этилиб, Зуфар ибн Ҳузайл (ваф.158/775), Имом Молик (ваф.170/795), Ҳасан ибн Зиёд (ваф.204/819), Исо ибн Абон (ваф.221/836), Али ал-Жуббаий (ваф.303/916), Ибн Сурайж ал-Бағдодий (ваф.306/918), Абу Саид Бардаий (ваф.317/930), Имом Мотуридий (ваф.333/944), Абу Ҳасан ал-Кархий (ваф.340/952), Абу Бакр Жассос (ваф.370/981), Абул Ҳусайн Басрий (ваф.436/1044), Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф.505/1111), Сирожиддин Сижвандий (ваф. 596/1200), Муҳаммад ал-Каъбий (ваф.604/1207) ва Шамсулаимма ал-Кардарий (ваф.642/1244) шулар жумласига киради.

“Танқиҳ ал-усул”га дастлабки шарҳни “Ат-Тавзиҳ фи ҳалли Ғавомиз ат-Танқиҳ” номи билан муаллифнинг ўзи битган. Унга Нуқракор номи билан танилган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний (ваф.750/1349) шарҳ ёзган. Бу шарҳлардан таъсирланган Қосим ибн Қутлубоға уларга ҳошия битган (Салоҳ Муҳаммад, 2006:46).

“Танқиҳ” ва унинг шарҳи “Тавзиҳ” фиқҳ усули, мантиқ ва тил қоидаларига мувофиқ тартибланган. Унда айрим тасаввуф ва фалсафий масалалар ҳам зикр этилган. Матнга кўра, баъзи мавзулар қисқа берилса-да, муаллиф уларнинг ичига кенг изоҳлар орқали чуқур кириб борган. Тушунилиши енгил, хотирада жамланиши осон бўлганидан ҳанафий усулини ўрганишда Мовароуннаҳр ва Усмонли давлати мадрасалари таълим тизимига киритилиб, бир неча аср амалда ундан фойдаланиб келинган (Cahid Baltacı, 2021:71-76).

“Танқиҳ” ва “Тавзиҳ” аввалидан ниҳоясига қадар Имом Аъзам ва унинг мазҳабини мудофаа этишга қаратилган. Садр аш-шариъа шофеъий олимлари жумладан, чиройли услуб билан Фахруддин Розийни танқид этади. Ибнул Ҳожиб ҳақида сўз юритишда унга мўътадил ёндашади. Хатто, қарши фикрлар билдиришда ҳам рақибига самимий тилаклар изҳор этиб, унинг хатосига узур қидирган ҳолда нозик иборалар билан мунозаларга интилади (Sadr ash-shari’a, 1971:192).

Ҳанафий усули фиқҳ китобларида “асосий масала – ёрдамчи масала”га бўлиниши эътиборидан доим бу усул таъқиб этилмай, баъзан иккилик (боб-фасл), баъзи асарларда эса, учлик бошлаш (қисм/китоб, боб, фасл) усули систематик равишда қўлланилади. Садр аш-шариъа асари, аввал “қисм”, кейин “боб”, сўнгра “фасл”ларга бўлинади. У мустақил масалаларни бир бошда тўплайди ва бир бутун қисм ичида беради.

“Тавзиҳ” асари қамраб олган бўлимларнинг тартиби қуйидагича:

Кириш:

а) усули фиқҳ таърифи

б) афъоли мукаллафин

в) ҳукм (умумий таъриф-тавсиф)

г) таклифий ҳукм

д) вазъий ҳукм

е) хусун-кубуҳ масаласи

шарҳнинг асоси бўлган матн қуйидаги масалаларга қаратилган: биринчи бўлимда – шаръий далиллар; лафзлар тақсимоти; хос ва омм, ҳақиқат ва мажоз; истиъора; одатлар; сариҳ – киноя, зоҳир – ҳафий, насс – мушкил, муфассар – мужмал, муҳкам – муташобиҳ, ибора, ишора, иқтизо, далола, амр, наҳйи, адо ва қазо, хусун-қубуҳ, муқаддиматул арбаъа, таклиф ма ла ютақу, суннат, мутавотир, машҳур, хабари воҳид, ровийнинг маъруфлиги – мажҳуллиги, самаъ, забт ва таблиғ кайфияти, таън, афъоли Расулуллоҳ, ваҳий, шаръу ман қоблана, саҳобий, истисно, шарт, сифат, ғоя, табдил, насх, ижмо, қиёс, иллат, ноқис, муораза, истисҳоб, ижтиҳод ва бошқа қатор масалаларга урғу берилган.

Иккинчи бўлим: ҳукм ва у билан боғлиқ масалалар, вожиб, суннат, нафл, ҳаром, макруҳ, рухсат, азимат, рукн, иллат, сабаб, шарт, аҳлият, жунун, сиғар, нисён, навм, иғмо, риққ, ҳайз ва нифос, мараз, мавт, аридалар ҳамда икроҳ каби масалалар баёнига қаратилган.

Фиқҳ илмига мутакаллимин усулчиларининг “Тафсилий далиллардан олинган фаръий ва шаръий ҳукмларни билишдир” дея берган таърифларига Ибнул Ҳожиб “истидлол йўли билан” иборасини қўшади [Mehmet Boynukalin, 2017:242].

Садр аш-шариъага кўра, Ибнул Ҳожибнинг бу қўшимчаси маъно этибори билан таърифдаги аввалдан мавжуд бўлган такрори бўлиб, ушбу эътироз билан у фиқҳга “кишининг фойдаси ва унга зарар берадиган нарсалар ҳақидаги билим”, (Sadr ash-shari’a, 1971:42) шаклидаги Абу Ҳанафа томонидан берилган таърифни таржиҳ этган. У Абу Ҳанифа таърифда қўллаган “маърифату” лафзи билан, “бир далилдан олинган жузъиётни идрок этиш”ни назарда тутган ва бу мазмунда “тақлид”ни таърифдан четга чиқарган. “ “ما لها و ما عليها”ибораси билан “لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ” (Бақара, 286) ифода этилган. Маъно эътибори билан киши учун охиратга тегишли фойда ва зарар назарда тутилган. Бунда Садр аш-шариъа, “ما لها و ما عليها” ибораси эътиқодий, ахлоқий ва амалий мавзуларни қамраб олишини таъкидлайди (Sadr ash-shari’a, 1971:46).

Унга кўра, калом - “эътиқодий мавзуларда кишининг фойдаси ёки зарарига бўлган нарсаларни

билиш”. Ахлоқ/тасаввуф – “ахлоқий мавзуларда кишининг фойдасига ёки зарарига бўлган нарсани билиш”. Фиқҳ эса – “амалий мавзуларда кишининг фойдасига ёки зарарига бўлган нарсаларни билишдир”.

Садр аш-шариъа бу изоҳлардан кейин эътиқодий ва ахлоқий илмларни фиқҳ илми доирасидан ташқарига чиқариш учун Абу Ҳанифадан нақл қилинган таърифга “амалан” сўзини қўшиш тўғри бўлишини ифодалаб,“фиқҳ амалий жиҳатдан кишининг фойдаси ёки зарарига бўлган нарсаларни билишдир” деган таърифни илгари суради.

Садр аш-шариъа “Тавзиҳ”да Розий ва Ибнул Ҳожибни усули фиқҳда қабул қилган таърифларини тилшунослик қоидалари асосида танқид қилади. Тилшунослик ва мантиқ илмидаги мезонлар билан бу икки олимга ўзининг қарама-қарши фикрларини беради. Бу бўлим муаллифнинг тилшунослик ва мантиқ бўйича маҳоратини намоён эта олган дейиш мумкин.

Садр аш-шариъа усул таркибларидан бўлган фиқҳни таърифлар экан, Абу Ҳанифанинг таърифини афзал кўрган. Бошқа илмлардан ҳоли этиш учун “амал хусусида” иборасини қийл ўлароқ зикр этган. Таърифни изоҳлагач, илм аҳлига таърифлардан бирини танлаш имконини берган.

Бир илмнинг бирдан ортиқ мавзуси бўлиши мумкинми? Мазмунидаги баҳс-мунозарага Садр аш-шариъа ҳам киришган. Унга кўра, усули фиқҳнинг “далиллар” ва “ҳукм” деган икки мавзуси бор. Унинг бу қараши мунозарага сабаб бўлган масала. Баъзи олимлар бир илмнинг бирдан ортиқ мавзуси бўлишини инкор этганлар (Абдулваҳҳоб Халлоф, 1997:158-161).

Садр аш-шариъа, фиқҳ мавзусида янги бир йўналишни ўртага қўяди ва бир илмнинг бирдан ортиқ мавзуси бўлиши мумкинлигини исботлайди. Унинг ижмо таърифи ўзидан кейинги усулчилар томонидан таржиҳ этилди. Айни пайтда муаввал, жамиъ мунаккар ва истисно мавзуларидаги янгича қарашлари билан ўзидан кейингилар учун янги бир даврни очиб берди. Буларнинг барчаси “бу қарашимда собит қолдим / тафаррадту биҳи” шаклида ўзининг ифодаси билан мустақил ижтиҳод қилди. Садр аш-шариъа ва у мансуб бўлган баъзи олимлар буни қабул қилганлар.

Мовароуннаҳр машойихларига кўра, усули фиқҳ фақат фиқҳ билан боғланган бир илм (Абдулҳай ал-Лакнавий, 1902:54). Калом, мантиқ ва фалсафа билан эса алоқаси йўқ. Бу мавзуда Мовароуннаҳр машойихларидан фарқли фикрлаган Садр аш-шариъа, мутлақ эмас, балки нисбий бир илмнинг ҳам бирдан ортиқ мавзуда бўлишини инкор этмайди. Садр аш-шариъа бу қарашни қуйидагича асослайди; усули фиқҳ, бир ҳукмни ўртага қўйиш учун далилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мантиқ илми, тасаввур ва тасдиқ (ратификация) хусусларида тадқиқот олиб боради. Бундан ташқари музаф (усул) ва музафун илайҳ (фиқҳ) мантиқ илмида бўлганидек, бу илмнинг ҳам мавзуси бўла олади.

Садр аш-шариъа бу мавзуда Абу Ҳомид Ғаззолийдан таъсирланган. Зеро, Ғаззолийга кўра усули фиқҳ, ҳукм-самара, далиллар-мусмир, далолат шакллари-истисмар ва мужтаҳид-мустасмир каби тўрт мавзудан иборат. Яъни – далиллар усулул фиқҳ объекти, асосий мақсад эса, улардан келиб чиқадиган ҳукм. Мазкур ҳукмни аниқлаш ижтиҳод ва бу фаолиятни амалга оширувчи – мужтаҳиддир. Аввалги усулчиларда кузатилмаган бу янги ёндашув Садр аш-шариъадан кейингиларга таъсир қилган (Sezayi Bekdemir, 2017:192).

Садр аш-шариъа олимларнинг “қатъий илм”ни икки маънода қўллаганини ифода этади. Биринчи: муҳкам ва мутавотир каби эҳтимолга ёпиқ маълумотлар. Иккинчи: зоҳир, насс ва машҳур хабар каби далилдан келиб чиққан эҳтимолга ёпилган билимлар. Унга кўра, аввалини “илмул-яқин”, иккинчисини, “илмут-тумъанина” деб номладилар (Sadr ash-shari’a, 1971:192).

Садр аш-шариъа, ҳукмни шаръий ва ғайри шаръий икки турга бўлади:

1. Шаръий ҳукм; “шориънинг шаръга таянган хитобидир”. Ўз ўрнида бу тарздаги ҳукмни назарий ва амалий деб иккига ажратади: назарий ҳукм: “шориънинг – амал кайфиятига таъаллуқли бўлмаган хитоби”. Амалий ҳукм: “шориънинг – амал кайфиятига таъаллуқли хитобидир”, дейди.

2. Ғайри шаръий ҳукм; “шориънинг шаръга асосланмаган хитоби”. Садр аш-шариъа, хитобни ҳам таклифий ва ваъзий деб иккига бўлади: таклифий хитоб (ҳукм): “шориъ (Аллоҳ)нинг мукаллафлар (бандалар) вазият тақозоси ёки ихтиёр тарзда бажарадиган феълларига оид хитоб (буйруғи) дир”. Ваъзий хитоб: “Сабаб ва шартга боғлиқ хитоб” бўлиб, бирор нарсанинг бошқа бир нарсага боғлиқ бўлиши (Sadr ash-shari’a, 1971:48). Масалан: намоз учун қуёшнинг ботиши каби.

Садр аш-шариъага кўра ҳукм, хитоб билан собит бўлган вужуб ва ҳурмат каби сифатлар учун қўлланилади. Бу қўлланиш мафъул маъносида мажоз бўлса-да, нақл йўли билан истилоҳий ҳақиқат ҳолига келади (Sadr ash-shari’a, 1971:50).

Садр аш-шариъага кўра, “ҳукм ақлга эмас ҳукм қилувчига муҳтож. Ҳоким эса, Аллоҳдир” (Sadr ash-shari’a, 1971:532). Ибодатларда дунёвий мақсад, уни соқит қилишдир. Бу ҳолда мақсадга етаклаган

феъл саҳиҳ, мақсадга етакламаган феъл ботил, рукн ва шартлари билан мақсадга етаклаган, фақат ташқи васфлари ноқис феъл фосид деб номланади. Бу тушунчаларнинг муомалот масалаларидаги қаршиликлари шартномалар кучи ва мажбурийлиги билан боғлиқ.

Ухровий мақсадларга йўналтирилган ҳукмлар ё аслий ёки ғайри аслий бўлади. Аслий ҳукмлар қатъий ва зонний далиллар билан собит бўлиши ва феълнинг ўрнига кўра фарз, вожиб, суннат, нафл ва мандуб шаклида.

Тарк этилишига кўра ҳаром, макруҳ ва мубоҳ деб ажратилади. Ухровий мақсадга эътибор қилинган ҳукмлардан ғайри аслий бўлганлари бандалар узурларига барпо этилган. Бу қисмдаги ҳукм *рухсат* деб номланади. Аслий ҳукмлар эса, азиматга мувофиқ келади. Садр аш-шариъа рухсатни: айни ҳақиқий, ҳақиқий, мажозий ва айни мажозий дея тўртга тақсим этади (Sadr ash-shari'a, 1971:542-544).

Биринчиси; мукраҳнинг куфр калимасини айтиши каби ҳаромни мубоҳ қиладиган рухсат.

Иккинчиси; сафарга чиққан кишининг рўза тутмаслиги каби аввалгига кўра енгилроқ рухсат. Бу турда азиматни қўллаш авло бўлади.

Учинчиси; қийинчиликни бартараф этишдаги рухсат. Ушбу тур ҳақиқий рухсатдан маъно ўлароқ узоқ.

Тўртинчи; (салам ақди) яъни нақд пул бериб молни кейин олиш келишувининг жоизлиги каби ҳақиқий рухсатга яқин бўлган рухсат.

Муаллиф ҳукмнинг иккинчи қисмига келганда; бу тарз ҳукм, бир нарсанинг бошқа бир нарсага боғлиқ бўлишидир, дейди. Булар мутааллақ ҳукм, бошқасига тегишлиси эса, *рукн*, бошқасига таъсирли бўлса, *иллат*, бошқасига етказса, *сабаб*, борлиги бошқасининг борлигига боғлиқ бўлса, *шарт* ва бошқасининг борлигига далолат этса, *аломат*, дея номланади.

Натижа ўлароқ ҳукмнинг таъриф ва таснифи масаласида Садр аш-шариъа ўзидан кейинги ҳанафий усулчиларга таъсир қилган дейишга асослар бор. Зеро, Садр аш-шариъа ҳукм тақсимида фиқҳ китобларида ҳукмга оид фарқли ўринларни бир ўринга жамлаб, янги бир усул жорий қилди. Ўзидан кейин яшаган Мулла Ҳусрав ва Ходимий каби бир неча ҳанафий усулчилари ушбу ёндашувни давом эттирдилар.

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА

"Тавзиҳ"да муаллиф илм соҳасининг турли мавзуларига оид бир неча манбалардан фойдаланган. Шориҳ томонидан истифода этилган манбалар баъзида ўша асар муаллифи исми билан зикр этилган. "Тавзиҳ"да номлари ўтган асар ва муаллифларга эътибор қаратилса уларнинг Садр аш-шариъадан илгари яшаб ўтган ёки унга замондош илм аҳллари эканига гувоҳ бўлинади (Н.Насруллаев, 2023:29-40).

"Тавзиҳ"да Садр аш-шариъа фойдаланган манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида тўхталганда, рўйхатнинг бошида сўзсиз - Қуръон/Китоб – шариатнинг асл манбаси туради. Муаллиф Китоб мавзусини шаръий далилларнинг аввали сифатида қўллайди (Sadr ash-shari'a, 1971:72). Усули фиққни, шаръий ҳукмга манба бўлувчи Китоб бобини Қуръонни таърифлаш билан бошлайди. У Китобни: "Қуръон икки муқоваси орасида мусхаф бўлган мутавотир ўлароқ бизга нақл қилинган" деб таърифлайди. Садр аш-шариъа асари аввалидан сўнггига қадар Қуръони каримдан олинган далилларга бисёр.

Садр аш-шариъа ҳадисга оид манбалардан фойдаланишда асосан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (ваф.256/870)нинг "Саҳиҳи Бухорий" ва Ҳусайн ибн Масъуднинг "Шарҳус сунна фил ҳадис", Абу Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Ҳусайн ал-Каркхий (ваф.340/952)нинг "Усулул Каркхий", Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий (ваф.370/981)нинг "Ал-фусул фил усул", Абу Зайд ад-Даббусий (ваф.430/1039)нинг "Тақвимул адилла" ва унинг шарҳи "Шарҳут тақвим", Абул Ҳусайн Басрий (ваф.436/1044)нинг "Китабул Мутамад фи усулил фиқҳ", Имомул Ҳарамайн ал-Жувайний (ваф.478/1085)нинг усули фиққа оид "Ал-Бурҳон", Абу Бакр Шамсул аимма ас-Сарахсий (ваф.483/1090)нинг "Усули Сарахсий", Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф.505/1111) таълиф этган "Ал-Мустасфа", Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий (ваф.553/1158)нинг "Мизанул усул", Сайфиддин ал-Омидий (ваф.631/1233)нинг "Ал-Иҳком фи усулил аҳкам", Ҳанафий фақиҳи Абу Абдуллоҳ Ҳусомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий (ваф.644/1247)нинг "Ал-Мунтахабул Ҳусомий", Қози Абдуллоҳ ибн Умар Байзовий (ваф.685/1286) нинг "Минҳожул вусул ила илмил усул", Абу Муҳаммад Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад ал-Хўжандий ал-Ҳаббозий (ваф.691/1292)нинг "Ал-Муғний", Абул Баракот ан-Насафий (ваф.710/1310) нинг "Ал-Манорул анвар", "Кашфул асрор" каби ва бошқа усули фиққа оид асарлардан унумли фойдаланган.

Асарда номи ўхшаш манбалардан ҳам фойдаланилган. Садр аш-шариъа уларни зикр этганида айнан қайси бирини назарда тутганини илғаш қийин. Жумладан, "Ал-Вофий" асари. Асли Абул Баракот ан-Насафийнинг ҳанафий фиққига

оид асаридир. Лекин, Ҳусомиддин Сиғнақий (ваф.714/1314)нинг ҳам шу ном билан асар таълиф қилган. Шу эътибордан муаллиф улардан айнан қайси бирини назарда тутганини билиш мушкул.

Муаллиф истифода этган тилшуносликка оид манбалар орасида ҳам ана шундай ҳолат кузатилади. Жумладан, “Ал-Мифтаҳ” номли асар. Бу ном билан манбаларда келган бир неча китоблар мавжуд. Абу Бакр ал-Журжоний (ваф.471/1078)нинг “Ал-Мифтаҳ фис сарф”, Абул Атик ал-Яфий (ваф.552/1157)нинг “Ал-Мифтаҳ фин наҳв” ва Ибн Усфур ан-Наҳвий (ваф.669/1270)нинг “Китобул мифтаҳ” асарлари шулар жумласига киради.

Демак, “Танқиҳ ал-усул” ва унинг шари ҳанафий мазҳаби асосида аралаш методга кўра ёзилган. Муаллиф асар таснифида Баздавий, Розий ва Ибнул Ҳожибларнинг усул китобларига таяниб иш кўрган. Садр аш-шариъа томонидан бу матнлар орасидаги ўхшашлик ва фарқлилик, янгилик ва такрорлар муқояса йўли билан таҳлил этилган. Ўз ўрнида мазкур шарҳга ҳам қатор шарҳ, ҳошия ва таълиқалар битилган. Матн ва унинг шарҳи узоқ йиллар мадрасаларда ўқитилиб келинмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий ал-Қураший ал-Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия / Таҳқиқ муаллифи: Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв. Ж. I-V. – Қоҳира : Мактаба Ҳажр лит-тибъот ва-н-нашр, 1413/1993. – Ж. II. – Б. 128 – 130.
2. Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-фаваид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафийа. – Қозон, 1902. – 400 б.
3. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фиқҳ (Ислом қонуншунослиги асослари) / Тарж. Салоҳиддин Муҳиддин. Ж. I-II. – Т. : Адолат, 1997. – 208 б.
4. Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-Ҳанафий. – Риёз: Мактаба ар-Рашид, 2001. – 643 б.
5. Жалолиддин Даввоний. Шарҳ Мухтасар ал-Виқоя. // ЎзР ФА ШИ-1, № 9058. – 468 б.
6. Cahid Baltacı. Osmanlı Medreseleri. XV-XVI. Asrlarda. C.1. – Istanbul : Marmara üniversıtesi ilahıyat fakültesi vakfı yayınları, 2021. – 511 s.
7. Kenan Tekin. Reconsidering Avicennan Theory of Science: Ṣadr al-Sharīʿa and Taftāzānī‘s Discussions of the Issue of the Subject Matter. – Beytulhikme Int J Phil 13 (3), 2023.
8. Mehmet Boynukalin. Fıkıh usulü alimleri ve eserleri. III-XIII. Hijri yüzyıl. – Üsküdar – Istanbul : M.Ü.İlahiyat Fakültesi Vakfı Yayinları, 2017. – 638 p.
9. Nasrullaev N. For participation in the II International Scientific-Practical Conference on “The Maturidiyya Teachings and Presents” that was held on May 27, 2022, in the Imam Maturidi International Scientific Research Center, Tashkent.
10. Nasrullaev, N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. // ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (104). – P. 564-567.
11. Philipp Bruckmayr. At the Intersection of uṣūl al-fiqh and kalām: The Commentary Tradition on Ṣadr al-Sharīʿa al-Thānī’s al-Muqaddimāt al-arbaʿ. // Journal of Islamic Philosophy, 14:17-64 (2023).
12. Sezayi Bekdemir. Orta Asya’da Hanefiligin Gelisimi Sadrusseria Ubeydullah b. Mes’ud. – Istanbul: Lord Matbaasi, 2017. – 319 s.
13. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ Ибн Масъуд Ибн Садр аш-шариъа ва унинг “Мухтасар ал-Виқоя” асари // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. - №1. – Б. 63.
14. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида. Moturidiylik // ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2023. – Б. 29-40.
15. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. – Т.: Маҳалла ва оила, 2022. – 70 б.
16. Насруллаев Н.Х. XIII аср охири XIV аср бошларида бухоро шаҳри илмий муҳити // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 46(222). URL: https://internauka.org/journal/science/internauka/222.
17. Насруллаев Неъматулло Ҳикматуллаевич. “Садр аш-шариъа – Убайдуллоҳ ибн Масъуд фаолияти ва унинг “Мухтасар ал-Виқоя” асари // Ислом зиёси, 4-сон. – Тошкент : “Ўзбекистон халқаро ислом академияси”, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – Б. 10 – 21.
18. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. / Таҳқиқ : Али Мустафо ал-Мисбаҳий. – Байрут: Дорул Кутуб ал-илмиййа, 1971.
19. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ват-Талвиҳ ила кашфи ҳақийиқ ат-Танқиҳ. Маъа ҳошия ат-Тавшиҳ. Лил Аллома Амир Али ибн Маъзум. – Покистон : Жамиатул Бушрий ал-Хайрия, 2021. – 621 б.
20. Садруш шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Умар ибн Садруш шариъа Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ат-Тавзиҳ ли матн ат-Танқиҳ фи усул ал-фиқҳ. – Байрут : Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – Ж. II. – 432 б.
21. Салоҳ Муҳаммад Абу ал-Ҳожнинг “Мунтаҳий ал-Ниқоя аъла Шарҳ ал-Виқоя”. Ж. III. – Уммон : Муасаса ал-вароқ, 2006. – 716 б.
22. Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. Талвиҳ ала ат-тавзиҳ. Ж. I-II. – Қоҳира : Мактабату Шубайҳ, 1992.
23. Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзмаларнинг илмий-тавсифий каталоги // Тузувчилар жамоаси: Н.Насруллаев,

Л.Асророва, А.Маллабоев, С.Жамолов, Ў.Полвонов. – Самарқанд : Имом Бухорий халқаро маркази, 2017. – Жилд 1-2. – 1188 б.
24. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. Ат-Тавзиҳ фиҳал ғавомиз ат-Танқиҳ. – Байрут: Дору ал-кутуб ал-илмийя, 1996.
25. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асомил-кутуб вал-фунун: 2 жилдли. – Байрут : Дор Иҳя ат-турос ал-арабий, 2001. – 1023 б.

REFERENCES

1. Ahmad ibn Muhammad an-Naqib. Al-Mazhab al-Hanafiy. – Riyoz: “Maktaba ar-Rashid”, 2001. – 643 b.
2. Abu Muhammad Abdulqodir ibn Abul Vafo Muhammad ibn Muhammad al-Misriy al-Qurashiy al-Hanafiy. Al-Javohur al-muzya fi tabaqot al-hanafiya / Tahqiq muallifi: Doktor Abdulfattoh Muhammad Hulv. J. I-V. – Qohira: Maktaba Hajr lit-tib’ot van-nashr, 1413/1993. – J. II. – B. 128 – 130.
3. Abdylhay al-Laknaviy. Al-favaid al-bahiya fi tarojim al-hanafiya. – Qozon, 1902. – 400 b.
4. Abdulvahhob Xallof. Usulul fiqh (Islom qonunshunosligi asoslari). / Tarj. Salohiddin Muhiddin. J. I-II. – T. : Adolat, 1997. – 208 b.
5. Ubaydulloh ibn Mas’ud. At-Tavzih fihal g’avomiz at-Tanqih. – Bayrut : Doru al-kutub al-ilmiyya, 1996.
6. Toshkent islom universiteti Manbalar xazinasida saqlanayotgan qo’lyozmalarning ilmiy-tavsifiy katalogi. Jild 1-2. / Tuzuvchilar jamoasi: N.Nasrullaev., L.Asrorova., A.Mallaboev., S.Jamolov., O’.Polvonov. – Samarqand: Imom Buxoriy xalqaro markazi, 2017. – 1188 b.
7. Sezayi Bekdemir. Orta Asya’da Hanefiligin Gelisimi Sadrusseria Ubeydullah b. Mes’ud. – Istanbul : Lord Matbaasi, 2017. – 319 p.
8. Saloh Muhammad Abu al-Hojning “Muntahiy al-Niqoya a’la Sharh al-Viqoya”. J. III. – Ummon : Muasasa al-varoq, 2006. – 716 b.
9. Sa’duddin Mas’ud ibn Umar at-Taftazoniy. Talvih ala at-tavzih. J. I-II. – Qohira : Maktabatu Shubayh.
10. Sadrush shari’a Ubaydulloh ibn Mahmud ibn Muhammad al-Mahbubiy al-Buxoriy al-Hanafiy. At-Tavzih li matn at-Tanqih fi usul al-fiqh. – Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya, 1996. – J. II. – 432 b.
11. Sadr ash-shari’a Ubaydulloh ibn Mas’ud al-Mahbubiy. At-Tavzih fi Halli g’avomiz at-Tanqih. / Tahqiq: Ali Mustafo al-Misbahiy. – Bayrut : Dorul Kutub al-ilmiyya, 1971. – 346 p.
12. Sadr ash-shari’a Ubaydulloh ibn Mas’ud al-Mahbubiy. At-Tavzih fi Halli g’avomiz at-Tanqih. Sa’duddin Mas’ud ibn Umar Taftazoniy. Vat-Talvih ila kashfi haqiyiq at-Tanqih. Ma’a hoshiya at-Tavshih. Lil Alloma Amir Ali ibn Ma’zum. – Pokiston : Jamiatul Bushriy al-Xayriya, 2021. – 621 b.
13. Philipp Bruckmayr. At the Intersection of uṣūl al-fiqh and kalām: The Commentary Tradition on Ṣadr al-Sharīʿa al-Thānī’s al-Muqaddimāt al-arbaʿ. // Journal of Islamic Philosophy 14:17 – 64 (2023).
14. Nasrullaev, N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. // ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (104). – P. 564 – 567.
15. Nasrullaev Ne’matullo Hikmatullaevich. “Sadr ash-shari’a – Ubaydulloh ibn Mas’ud faoliyati va uning “Muxtasar al-Viqoya” asari // Islom ziyosi. 4-son. – Toshkent: “O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2021. – B. 10 – 21.
16. Nasrullaev N.X. XIII asr oxiri XIV asr boshlarida buxoro shahri ilmiy muhiti // Internauka: elektron. nauchn. jurn. 2021. № 46(222). URL: https://internauka.org/journal/science/internauka/222.
17. Nasrullaev N. Ubaydulloh ibn Mas’udning hayoti va ilmiy ma’naviy merosi. – T. : Mahalla va oila nashriyoti, 2022. – 70 b.
18. Nasrullaev N. Ubaydulloh ibn Mas’udning “Tavzih” asari manbalari haqida. //Moturidiylik manaviy-marifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Toshkent: “O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot matbaa-birlashmasi, 2023. – B. 29 – 40.
19. Nasrullaev N. Ubaydulloh Ibn Mas’ud Ibn Sadr ash-shari’a va uning “Muxtasar al-Viqoya” asari // Ilmiy-tahliliy axborot. – Toshkent: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2016. – №1. – B. 63.
20. Nasrullaev N. For participation in the II International Scientific-Practical Conference on “The Maturidiyya Teachings and Presents” that was held on May 27, 2022, in the Imam Maturidi International Scientific Research Center, Tashkent.
21. Mehmet Boynukalin. Fıkıh usulü alimleri ve eserleri. III-XIII. Hijri yüzyıl. – Üsküdar – Istanbul : M.Ü.İlahiyat Fakültesi Vakfı Yayinları, 2017. – 638 p.
22. KENAN TEKİN. Reconsidering Avicennan Theory of Science: Ṣadr al-Sharīʿa and Taftāzānī’s Discussions of the Issue of the Subject Matter. Beytulhikme Int J Phil 13 (3) 2023.
23. Jaloliddin Davvoniy. Sharh Muxtasar al-Viqoya. O’zR FA ShI-1, № 9058. – 468 b.
24. Hoji Xalifa. Kashf az-zunun an asomil-kutub val-funun: 2 jildli. – Bayrut. Dor Ihya at-turos al-arabiy, 2001. – 1023 b.
25. Cahid Baltacı. Osmanlı Medreseleri. XV-XVI. Asrlarda. C.1. – Istanbul : Marmara üniversıtesi ilahıyat fakültesi vakfı yayınları, 2021. – 511 p.